

ТАШҚИ ҚАРЗ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ

Каримов Бехруз Вафокулович

ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази

Замонавий глобал иқтисодиёт шароитида ташқи қарз молиявий ресурсларни жалб қилишнинг муҳим ва самарали воситаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи қарз иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш ва стратегик лойиҳаларни молиялаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бу мамлакатларда давлат бюджети имкониятларининг чекланганлиги ёки ички капитал бозорларининг ривожланмаганлиги сабабли зарур молиявий манбаларни ички иқтисодий тизим орқали таъминлаш ҳар доим ҳам мумкин бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, ташқи қарз иқтисодий фаолликни ошириш, инфратузилмани янгилаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш ва ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашнинг муҳим молиявий манбаи сифатида хизмат қилади.

Шу билан бирга, ташқи қарзнинг ҳаддан ташқари ортиб бориши иқтисодий барқарорликка таҳдид солиши мумкин. Агар ташқи қарз юки давлатнинг молиявий имкониятларидан ошиб кетса, қарзни қайтариш ва фоиз тўловларини амалга ошириш мамлакат бюджетига қўшимча юк бўлади. Бу эса инвестиция фаоллигининг пасайиши, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий дастурларини молиялаштириш имкониятларининг чекланиши ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларининг сусайишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли ташқи қарз ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқур ва тизимли ўрганиш иқтисодий сиёсатни самарали шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала давлат қарз сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, оптимал қарз юки даражасини аниқлаш ҳамда ташқи молиявий манбалардан оқилона фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишда муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий назарияда ташқи қарз ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликка нисбатан икки асосий, ўзаро қарама-қарши нуқтаи назар мавжуд бўлиб, улар мамлакатлар ташқи молиявий ресурсларидан қандай фойдаланишига турлича изох беради.

1. Қарз орқали ўсиш назарияси. Ушбу ёндашувга кўра, ташқи қарз орқали жалб этилган маблағлар самарали инвестиция лойиҳаларига йўналтирилса, иқтисодиётда юқори мултипликатив самара кузатилади. Хусусан, маблағлар инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, илғор технологияларни жорий этиш ва ишчи кучи салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Натижада, ялпи ички маҳсулот ҳажми ортиб, иқтисодий фаоллик рағбатлантирилади. Р.Солов ва Д.Кохен

ишларида таъкидланганидек, ташқи молиявий ресурслар иқтисодий ўсиш жараёнини тезлаштириш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил сифатида намоён бўлади [1,2]. Шу нуктаи назардан, ташқи қарз мамлакатлар учун инвестицияларни молиялаштиришнинг қўшимча ва стратегик манбаи ҳисобланади.

2. Қарз юки назарияси. П.Кругман ва Ж.Сакс томонидан илгари сурилган бу назарияда, ташқи қарз миқдорининг юқори даражаси иқтисодий ўсишга тўсиқ бўлиши мумкинлиги таъкидланади [3,4]. Қарз миқдори юқори бўлган мамлакатларда инвесторлар келгуси даромадлар, асосан, қарзларни ва уларнинг фоизларини қайтаришга йўналтирилади, деб ҳисоблайдилар. Бу эса хусусий инвестицияларнинг камайишига, иқтисодий фаолликнинг сусайишига ва натижада иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келади. Бошқача айтганда, ортиқча қарз юки мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш имкониятларини чеклаб, инвестиция муҳитининг жозибадорлигини пасайтиради.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда ташқи қарзнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 40–50 фоиз атрофида бўлганида, жалб этилган молиявий ресурслар асосан инфратузилмавий лойиҳалар ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга йўналтирилгани натижасида иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатган. Бундай ҳолатда ташқи қарз иқтисодий жараёнларни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш базасини модернизация қилиш ва иш ўринларини кўпайтириш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Бироқ ташқи қарзнинг ЯИМга нисбати 60–70 фоиздан ошганида, мамлакат бюджетида қарзларни қайтариш ва фоиз тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар сезиларли даражада ортиб, инвестицион фаолият сусайишга мойил бўлади. Бюджет маблағларининг катта қисми қарзларни қоплашга йўналтирилиши ижтимоий ва иқтисодий дастурларни молиялаштириш имкониятларини чеклайди. Бу эса иқтисодий ўсишнинг барқарорлигига хавф туғдириши мумкин [6].

Ўзбекистон мисолида ҳам 2017–2023 йиллар мобайнида ташқи қарз ҳажмининг изчил ошиши мамлакатда транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга қўшимча сармоялар жалб этилишига хизмат қилди. Натижада иқтисодий фаолликнинг кенгайиши ва ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларининг юқори даражада сақланиши таъминланди. Шу билан бирга, ташқи қарз юкининг ортиши давлат бюджети барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимолини кучайтираётгани туфайли қарз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ташқи қарздан фойдаланиш жараёнида қатор тизимли муаммолар ва хавфлар мавжуд бўлиб, улар иқтисодий ўсиш жараёнини чеклаб қўйиши мумкин:

- Қарз маблағларини самарасиз йўналтириш маблағлар иқтисодий натижа бермайдиган лойиҳаларга сарфланганда, уларнинг қайтими таъминланмайди ва иқтисодий ўсишга кутилган таъсир кўрсатилмайди;
- Бюджет харажатларининг ошиши қарзларни қайтариш ва фоиз тўлаш учун бюджет маблағлари кўпайтирилганда, ижтимоий дастурлар ва стратегик йўналишларни молиялаштириш имкониятлари қисқаради;
- Валюта курслари ва фоиз ставкалари ўзгарувчанлиги ташқи молиявий бозорлардаги ноаниқликлар, миллий валюта қадрсизланиши ёки глобал фоиз ставкалари ошиши ташқи қарзни қимматлаштиради, бу эса қарз юкини янада оғирлаштиради.

Ташқи қарз иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва стратегик ислохотларни амалга ошириш учун муҳим молиявий восита бўлиши мумкин. Бироқ унинг миқдори ва самарадорлиги устидан қатъий молиявий назорат ва институционал ёндашув зарур. Шу муносабат билан қуйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Қарз маблағларини узоқ муддатли ва юқори рентабелликка эга инвестиция лойиҳаларига йўналтириш, жумладан, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва қўшилган қийматни кўпайтиришга хизмат қиладиган соҳаларга устуворлик бериш.
2. Қарз/ЯИМ нисбатини хавфсиз чегарада (50–55%) ушлаб туриш, бу орқали иқтисодий барқарорлик ва молиявий мустақиллик таъминланади.
3. Қарз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи очиқ ва шаффоф статистик мониторинг тизимини жорий этиш, бу орқали жамоатчилик назорати ва ҳисобдорликни кучайтириш.
4. Маҳаллий капитал бозорини ривожлантириш, ташқи қарзга бўлган ҳаддан ортиқ боғлиқликни камайитириш ҳамда ички молиявий ресурсларни сафарбар қилиш механизмларини кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Solow, R. M. (1956). A Contribution to the Theory of Economic Growth. Quarterly Journal of Economics, 70(1), 65–94.
2. Cohen, D. (1993). Low Investment and Large LDC Debt in the 1980's. American Economic Review, 83(3), 437–449.
3. Krugman, P. (1988). Financing vs. Forgiving a Debt Overhang. Journal of Development Economics, 29(3), 253–268.
4. Sachs, J. D. (1989). The Debt Overhang of Developing Countries. In Calvo, G., Findlay, R., Kouri, P. (Eds.), Debt, Stabilization and Development (pp. 80–102). Basil Blackwell.
5. Barro, R. J. (1990). Government Spending in a Simple Model of Endogenous Growth. Journal of Political Economy, 98(5), S103–S125.
6. World Bank (2023). International Debt Statistics 2023. Washington, DC: World Bank. <https://databank.worldbank.org/source/international-debt-statistics>.